

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий газетаси • 1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: учрашув пайти.

Р. ЖУМАНИЕЗОВ олган сурат (ЎзА).

1 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Имом Каримов Малайзия Бош вазири Махатхир Бин Мухаммад бошлиқ ҳукумат делегациясини қабул қилди.

Бўлиб ўтган самимий суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг ҳозирги даражаси, уларни

янада ривожлантириш йўналишлари алоқалари муҳокама қилинди. Давлат бошлиғи ва ҳукумат раҳбари икки томонлама савдо-иқтисодий, маданий ва илмий алоқаларни тақомиллаштириш истиқболлари ҳусусида фикрлашди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, бош

вазир ўринбосарлари Қ. Ҳаққулов, Ҳ. Султонов, ташқи ишлар вазири С. Сафоев ва бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

Суҳбат чоғида Малайзиянинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва муқтор элчиси Мухаммад Хорун ҳам ҳозир бўлди.

Шу кунги Ўзбекистон Республикаси Президенти Имом Каримов ва Малайзия Бош вазири Махатхир Бин Мухаммад оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб, муҳбирларнинг саволларига баътафсил жавоб бердилар.

(ЎзА).

ТАШРИФНИНГ ИККИНЧИ КУНИ

Малайзия Бош вазири Махатхир Бин Мухаммад бошлиқ ҳукумат делегациясини Ўзбекистонга, сафарининг иккинчи куни Алишер Навоий ҳазратлари мартабали меҳмонни шодона қарши олдилар.

Ўзбекистон Республикаси ва Малайзия давлат байроқлари раҳбарларини кутариб олган тошкентликлар мартабали меҳмонни шодона қарши олдилар.

Малайзия Бош вазири Махатхир Бин Мухаммаднинг Ўзбекистон миллий ботиға ташрифи ва Алишер Навоий ёдгорлиги зиёрати чоғида унга Ўзбекистон

Республикаси Бош вазири Абдуллоҳим Муталов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилдилар.

Шу кунги Ўзбекистон Республикаси Вазири Махатхир Бин Мухаммад ҳам икки мамлакат расмий делегациялари ўртасидаги мулоқотлар, музокара

лар самараларини бўғаллаштириш билан таъкидлашди. Жумладан, Ўзбекистон ва Малайзия Ташқи ишлар вазирилар мамлакатлар ўртасида ахборот алмашиш ҳақидаги битимини ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Малайзия ҳукумати ўртасида дўстона муносабатларни ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги мулоқотлар протоколини имзоладилар.

Ўзбекистон ва Малайзия ишбилармонларининг нефть конларини қидириб топиш ва қайта ишлаш, ёғ ишлаб чиқариш соҳаларида қўшма корхоналар қуриш юзасидан ахдлашуви рағбатлантиришга лойиқ деб топилди. Маданий, илмий-техник алоқаларни ривожлантириш борасидаги музокара

лар ҳам самарали бўлгани қайд этилди. Томонлар мутахассислар алмашиш ва таъбирлаш, бошланғич таълим, нақлиёт ва сайру саёҳат соҳаларида ҳам ҳамкорлик қилиш истиқболларини белгилаб олдилар.

Малайзиялик меҳмонлар шу кунги Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойларини томоша қилдилар.

Кун давомида В. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳамда Тошкент чини заводида бўлиб, жамоаларнинг меҳнат шарафлари билан танишдилар.

(ЎзА).

ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

ДЎСТОНА ТАШРИФ

Туркия Республикаси Президенти Т. Ўзол бошчилигида Туркия давлат делегацияси 4 апрелда Ўзбекистон Республикасига расмий дўстона ташриф буюрди.

Тургут Ўзол олдин ҳам Ўзбекистонда бўлган. Энди эҳ мустақил Ўзбекистонга биринчи марта расмий сафар қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси

си ҳукумати ва Ўзбек халқи олий даражадаги меҳмонни муқобилда этиб, ушбу ташриф икки мамлакат ва халқ ўртасидаги биродарлик ва дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга ҳамда Ўзбекистон мустақиллигини қўллаб қўллашда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Туркия Республикасига қилган ташрифи чоғида эришилган битимларни ҳаётга татбиқ қилиш учун янги шарт-шароитлар яратилишига умид боғлади.

Мархабо, қадрон Тургут олди.

ДАЛАЛАРДА БАҲОР

САРАЛАБ ЭКИЛАЯПТИ

Жорий йилда Жарқўрган районидаги Т. Шобуров номи, Н. Боймуродов номи, Ҳамид Олимжон номи, «Сурхон» жамоа ва давлат хўжаликлари асосий майдонларида уруғлик пахта етиштирилади. Бу биринчидан вилот хўжаликлари сифатли уруғлик билан таъминланади. Жарқўрганликлар 12 минг гектар майдонга илқ пахтанинг «Термиз-16», ўрта толали оқ олтининг «Наманган-77» ва «Юлдуз» навлари уруғини қадашга киришдилар.

Бутун борлиқ им-ишл. Баҳор ғўзаллигини қўзғаб қилиб, атроф муҳитини яш-натмоқда. Барвақт экилган озқуқобон лавлаш, қартошқа бир текис уйиб чинди. Барвақт беда қадамга ўрми қелади. Сабзавоткорлар, соғибкорларнинг ташиниши ҳам кундан-кунга кўпаймоқда.

Майдонларга чигит қадаш ҳам боғланди. Далада эриқ ёқасида ўтирган отахон билан суҳбатимиз самимий бўлди. Шу қишлоқда уйиб-ўсган, узок йиллар пахтачиликда хизмат қилган, ҳозир қарилик гаштини сураётган отахоннинг ривоят қилишича, Наврўз яқинда кунинга тўғри келса экин-тикин ишларини тезроқ ўтказиш керак. Шунда деҳқончиликдан мўл ҳосил олиш мумкин. Отахоннинг таъкидлашича, ҳар йили одамлар экин олдидан ихтиёрий маблағ тўплаб мол сотиб олишди. Катта қозонда овқат қилиб, дарвешона ўтказишди. Кексалар деҳқонга омад хирмонга барака тилашди. Шундан сўнг иш юришиб кетади.

Н. Боймуродов номи жамоа хўжалигининг Байғам Каримов бошлиқ бригада деҳқонлари яхши ният билан селла тақилган тракторларни далага олиб чиқдилар. Бултўр ҳам уруғликни барвақт ерга қадан деҳқонлар йиллик режани районда биринчилар қаторида уйдлашган эди. Гектардан 44 центнердан хирмон кўтарилди. Ҳар бир жамоа аъзоси 32—35 минг сўмгача йил якунида устама мўкофот олди. Улар жорий йилда 70 гектар майдонга барака уруғи экинни 12 апрелга таъминлашмоқчи. Экинлардан пайкалар сувдан чиқарилиб, пешма-пеш тоба келатилади. Тупроқдаги ҳарорат 12 градустан юқори. Бу айни уруғлик қадаш пайти. Гектарига 50—60 килограмм чигит сарфлаб мўлжалланган. Бу илгариги йиллардагидан 20 килограмм камдир. Механизатор Ўлдош Тўлаевнинг селлачи Алиер Тўшметов биринчи кунлик 6 гектар майдонга чигит экинди.

Жорий йилда 1210 гектар ерга уруғлик чигит экин режалаштирилган.

Б. КЕНЖАБОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»
мухбири.

ҲАММА

НАРСА ШАЙ

Чигитни апрель ойининг биринчи ярмида тўла экин бўлиш учун деҳқонлар барча чора-тадбирларни қўймоқдалар. Улар уруғликни термик усулда экинчи, ҳар гектарига 70—80 килограммдан сарфлаш режалаштиришмоқда.

Деҳқонларимиз баҳорнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда, — дейди район деҳқончилик-саноат уюшмаси бош агрономи Нажибиддин Усмонов. — Ҳозирги долзарб вазифа экинни сифатли қилиб ўтказиш.

Айни пайтда «Маданият», «Гулистон», «Коммуна», «Андижон», «Оқушбобоев» номи, Ёқубов номи жамоа ва давлат хўжаликларида экин учун ҳамма нарсга тахт қилиб қўйилган. Тажрибали деҳқонлар кунлар исб, ер тобага келиши билан экинга киришадилар.

Т. ҚУРБОНОВ.

БЕДА

ОЗИҚЛАНТИРИЛМОҚДА

Баҳорнинг илқ кунларида унумли фойдаланишга қарши райондаги «Қовчин» давлат хўжалиги деҳқонлари бедани озиқлантириш ни авж олдиришмоқдалар. Хўжаликда 450 гектар шундай чорва экинни мавжуд. Ишчиларнинг нияти ҳар гектар ердан 100 центнердан озқуқа йиғиштириб олиш. Шу боис беда агротехника қондалари асосида парваришланмоқда.

Беда минерал ўғит билан озиқлантирилади. Бу ишларни механизатор Жуманазар Саидов амалга оширишмоқда. Баҳодир Абдуллаев, Очил Қўшватов, Нахшиван Ҳақбердиев, Маҳкам Ҳазраткулова бошлиқ бригадаларда бу юмушлар сифатли бажариляпти.

Х. НАЗАРОВ.



Риштон райондаги «Ейилма» жамоа хўжалиги аъзолари бошқа тармоқлар билан бирга савзавотчилликда ҳам юқори кўрсаткичларга эришиб келмоқдалар. Жорий йилда 4 гектар майдонга қарам, 6 гектар помидор экин режалаштирилган. Ҳозир савзавот экин қизғин олиб боришмоқда.

СУРАТДА: жамоа аъзоси Ҳасанбой Парпиев қўзғатларини кўздан кечирмоқда.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

ЧИГИТНИ СОЗ ЭКИШ ОМИЛЛАРИ

Чигит экин бошланғичида санокли кунлар қолди. Хўжаликлар бунинг учун дери барча агрегатларни таъмирлаб, тахт қолға келтириб қўйганлар. Лекин мавсум олдиндан уларни яна бир санчиклаб текшириб кўриш ва пухта созишга ишонч ҳосил қилиш зарур.

Маълумки, экин билан бирга далага минерал ўғит бериш ва бегона ўтларга қарши гербицид сепиш ҳам амалга оширилади. Шунинг учун экин агрегатида култиваторнинг ўғитлагич қисми ҳамда ПХГ-4 гербицид сеписи мосламаси билан ҳам жиҳозланган бўлиши лозим.

Селла экинни схемасига, экинларнинг уруғини турига (туқли ёки туқсизлангилар билан чигит) қараб созилади. Одатда кўпчилик хўжаликлар далада керакли кўчат қалинлигини таъминлаш учун чигитни гектарига юқори (60—70 килограмм, айрим ҳолларда 100 килограммдан ҳам кўп) миқдорда сепишга ҳаракат қилади. Натижада қимматбаҳо уруғлик ортқ сарф бўлади, далада ғўзани яғналаш ишлари ҳажми ҳаддан ташқари ошиб кетади.

Холбуки, илгор хўжаликларнинг таърибисидан маълумки, ҳар бир гектарда керакли ва бир текис жойлашган кўчат қалинлигини таъминлай оладиган миқдор (маром) юқоридаги хара

жат ҳажмидан икки баробарига камдир.

Чигитни метрида сарфлаш ҳар йили Жинзаҳ, Сирдарё, Наманган вилотларида намунали даражада олиб борилади. Туқсизлангилар чигитларини аниқ миқдорда экин, юқори натижаларга эришмоқда.

Масалан, 90 сантиметр қатор кенгликда экилган майдонда ҳар бир метрда 10—12, 60 сантиметр қатор кенгликда эса 7—8 туп бир хил оралиқда жойлашган ғўза бўлса, юқори ҳосил олиш учун керакли кўчат қалинлиги таъминланади. Шунинг учун селлачиларнинг созилаш, чигитларнинг дала шароитида уйиб чигит имкониятини ҳисобга олиб, қаторнинг ҳар бир метрига 25—30 донадан туқли чигит 20—22 донадан туқсизлангилар билан (яланғоч) чигит туширилиши таъминланадиган мулоқотлар. Бунда қатор оралиғи 90 сантиметр бўлса гектарига 30—35, 60 сантиметрда эса 40—45 килограмм уруғ сарфланади.

Республика хўжаликларида СТХ-4, СХ-4, СХ-4 селлачилари мавжуд. Улар турлича бўлса ҳам ишчи қисмлари ва созилашни асосан бир хил. Ишчи қисмларнинг аскарияти таъминлаш ва йиғиш дарида созилади. Лекин чигит сеписи миқдори, унинг тупроққа қўйилиш чуқурлиги экинни бошлаш олдидан дала шаро

итига қараб тўғриланади. Бунинг учун селлачиларни таъбир, филдираклар ерга теғмай айландириш ҳолатга келтирилади. Агар туқли чигит экинлардан бўлса, намланган ҳолдаги уруғликдан селлачиларнинг сепкичлари солинми, бир-икки марта таба унинг филдиракларини айлантирилади. Кейин ҳар бир сошник тағига идиш қўйиб, филдирак бир мартага айлантирилади. Филдирак чамабарининг айланиши узуғлиги 2,2 метрга тенг. Ҳар бир сошникдан тушган чигит миқдори шун мўсофада 50—60 донадан бўлса, селлачиларнинг сепкичлари созилашга ҳисобланади. Акс ҳолда уларнинг уруғ тушадиган тирқишнинг бекитиладиган (қопқоқча) сурилиб, қайта созилади.

Чигитнинг тупроққа қўйилиш чуқурлиги сошник таъкидларининг баландлигини ўзгартириш билан баъжарилади. Яланғочланган, яъни туқсизлангилар билан чигитларнинг экин миқдорини созилашга келса, СХ-31 маркали аниқ миқдорда экиладиган аппаратларнинг таърибидан фойдаланиш лозим. Бунинг учун селлачиларнинг оддий, туқли, намланган чигитларнинг экиндан аппаратларнинг ичига уруғ тушадиган тирқишнинг бекитиб турадиган ва фақат 13—15 миллиметр тешикка эга

бўлган туқука ўрнатилади. Чигитлар шун тешикдан ўтаётган зарарламаслигини таъминлаш учун туқука тағига тешик атрофидан 1,0 миллиметр қамаси чиқиб турадиган қилиб чарм ёки резинка парчаси қўйилиши керак.

Ҳозир СМХ-4 маркали янги селлакар ишлаб чиқарилмоқда. Бу ўзининг ихчамлиги, қулайлиги, экин аппаратлари идишларининг ҳажми камда икки баробарга кўпайиши, туқли ва туқсизлангилар чигитларини сепишга айримгина қисмларини алмаштириш билан мослаша олиши, тупроқ зичлагич қалтакларига лой ёпишмаслиги учун резина билан қопланганлиги, оёқчиларини чигитни келдириш чуқурлиқга ташлашга созилаш қулайлиги билан илгариларидан ажралиб туради.

Туқсизлангилардан чигит

саторни «7» рақамли ҳолатга қўйиш керак.

МТЗ-80 тракторидаги экин агрегати фақат 90 сантиметр қатор кенгликда ишлашга мос. Бу агрегатда ишлаш учун ўғит аппаратининг фиксатори «10» рақамли ҳолатга келтирилади. Ўғитлагичнинг тўғри созилашганини банкаларга солинган ўғит миқдори ва ишлов берилаётган майдонни текшириш орқали билиш мумкин. Агар ўзгариш бўлса ўғитлагичга тузатиш киритилади.

Кўп хўжаликларда бегона ўтларни йўқотиш учун экин билан бирга ПХГ-4 мосламаси ёрдамида гербицид ҳам сепилади. Гербицид миқдори унинг хилларида, хўжаликнинг тупроқ шароитига қараб агроном томонидан белгиланади.

Ишлатилишдан олдин ПХГ-4 мосламасининг резервуарларига тоза сув тўлдириб, ҳар бир буржастага чакатган сув миқдори ўлчаб қўйилади. Бир минутда уларнинг ҳар бирдан 1.0—1.2 литр сув чиқиши керак. Акс ҳолда мосламани бонинг резервуарларига гербицид солинади. ПХГ-4 мосламаси идишларининг умумий ҳажми 630 литр. У тракторнинг юриш тезлиги соатиға 7 километр, қатор оралиғи 60 сантиметр бўлса гербицид аралашмаси 4.5 гектар майдонга, 90 сантиметр бўлганда эса 6,0 гектарга етади. Шунинг учун идишларга гербицид миқдорлари майдонга қараб белгиланади. Селла, култиватор — ўғитлагич ва гербицид селлуви мосламалардан фойдаланишда уларга завод томонидан берилган йўлнамаларни синчиклаб ўрганиш ва уларни амалда бажариш экин агрегатининг сифатли ишлашини таъминлайди.

Селлачиларнинг ишчи аъзолари бекитиш ишлари учун унинг олдинги қўлбаланд рамаси билан тракторнинг филдиракларига қўйиб бегона масофа бир хил, ер юзасига нисбатан эса параллел жойлашган бўлиши керак. Бу трактор осма қисмининг тортиқ мураватларига бураб созилади.

Чигит экинни қисқа муддатда сифатли ўтказиш учун хўжаликда чигит, минерал ўғит ва гербицид етарлича жамғарилган бўлиши лозим. Бу иш унинг ҳам оширади, механизаторларга қулайлик яратди.

Чигит экинни қисқа муддатда сифатли ўтказиш учун хўжаликда чигит, минерал ўғит ва гербицид етарлича жамғарилган бўлиши лозим. Бу иш унинг ҳам оширади, механизаторларга қулайлик яратди.

А. ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирилик механизациялаш ва электрлаштириш бош боксармаси бошлиғи муюни.

А. ҲОКИЕВ,
Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти директори.

Республикада истиқлолга эришгандан сўнг қишлоқ ҳужалиги тараққиётининг янги босқичига қадам қўйди. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ қурилишида ҳам янги иқтисодий муносабатлар шаклланимоча. Шу шароит мунтазам тарзда изланиб иш тутишни тақозо этаётди. Зеро янгича шароитда вужудга келган қийинчиликларни ўз вақтида ҳал этиб, қурилиш ҳажмининг каймаиб кетишига йўл қўймаслик ва унинг таннаҳини арзонлаштириш олдимизда турган асосий вазифалардан бири бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг И. А. Каримов қишлоқ аҳолиси манфаатларини ҳисобга олиб, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш, ортиқча ишчи кучларини иш билан таъминлаш мақсадида бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилди. Улар изомил амалга ошириладиган сабабли республика қишлоқларида қурилиш ишлари яхшиланиб бормоқда. Президентимиз фармонлари асосида вазирлигимиз жойларда қишлоқ ҳужалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналар, пахтакор ҳужаликларда эса кичик пахта заводлари қурилишини бошлаб юборди.

Лойиҳалаш институтлари эса қишлоқ меҳнатқиллари учун ажратилган шахсий томонларда қуриладиган уй-жой, ерданчи ҳужалик иморатлари учун ўзбек миллий анъаналарини ўзига мўъассаслаштирган иқлим шароитлари ҳисобга олинган, сейсмик талабларга жавоб берадиган лойиҳалар, жамоа, давлат ҳужаликлари ва фермерлар учун 5 боддан 100 бош қорамолгача мўъжалланган молхоналар, кичик товуқхоналар, чўчақхоналар, гўштини ва сутни қайта ишлаш кичик корхоналари, қон серва цехлари, иссиқхоналар ва бошқа қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиб, буюртмачилар талаби бўйича тарқатмоқда. Бу лойиҳалар маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланиб, қурилиш

риб чиқариб, қурилиш ишлари таннаҳининг асосий кўтарилиб кетишига, айрим ҳолларда қурилиш ишлари тўхтаб қолушига сабаб бўлмоқда.

Вазирлигимиз тизимидаги давлат биришмаларининг капитал қурилиш мажмуи бўйича 1992 йили бажарган ишлари қувонарли бўлди. «Ўзжамхўж-қурилиш» («Ўзқолхозстрой») биришмаси бажарган қурилиш-монтаж ишлари ҳажми 112 фоизини ташкил этди, келишилган нархда 4.239 миллион сўмлик иш бажарди. Биришма асосан қишлоқларда уй-жойлар, мактаблар, болалар боғчаларини, касалхона ва маданий-маиший соҳа бинолари, мева ва сабзавотни қайта ишлайдиган кичик цехлар, омборхоналар, молхона ва товуқхоналарни қуриб берди.

«Оби-ҳаёт» республика лойиҳа-қурилиш биришмаси ҳам 1992 йилда барча соҳалар бўйича асосий кўрсаткичларини ошириб бажарди: 1183 километр узунликдаги ичимлик сув тармоқлари қурилиб, фойдаланишга топширилди, бу соҳада белгиланган режалар 207 фоиз қилиб адо этилди.

1992 йил давомида яхши кўрсаткичларга эришган Қашқадарь вилояти агрономат уюшмасининг буюртмачилари жамоа ва давлат ҳужаликларидан 13,5 минг квадрат метр ҳажмда уй-жой, 5,654 ўқувчиға мўъжалланган мактаб, 760 ўринға мўъжалланган болалар боғчалари, кунига 210 кишини қабул қиладиган қишлоқ амбулаториялари, шунингдек 1600 ўринға мўъжалланган қўшқарлар, 22 километр узунликдаги газлаштириш, 55 километр масофада ичимлик сув тармоқлари, 15 киши қишлоқ автомобиль йўллари ва 2 та қишлоқ автобўлима бўлимаири бинолари қурилиб, ишга туширилди. Сурхондарь, Андижон, Наманган, Фарғона вилояти агрономат уюшмалари ҳам режада белгиланган асосий кўрсаткичлар бўйича яхши натижаларга эришилди.

БУНЁДКОРЛИК КЎЛАМИ

ни амалга оширишға мўъжалланган ва қурилиш таннаҳини иложи борича арзонлаштиришни таъминлайди. Бу лойиҳаларни олиш учун тегишли институтларга мурожаат қилиш мумкин. Жўда қисқа вақт ичида бу лойиҳалар буюртмачиларға тайёрлаб берилди.

Қишлоқ ҳужалик вазирлиги томонин 1992 йили капитал қурилиш мажмуи бўйича 5.659 миллион сўмлик асосий фондар ишга туширилди, 11.550 миллион сўмлик капитал маблағлар ўзлаштирилди. Шундан 6.598 миллион сўми қурилиш-монтаж ишларига сарфланди. Бу 113 минг квадрат метр уй-жойлар, салкам эллик минг ўқувчиға мўъжалланган мактаблар, 11.085 ўринли болалар боғчалари, бир йўла 2429 киши даволадиган қишлоқ шифохоналари, қўшқарлар, 1183 километр узунликдаги ичимлик сув тармоқлари, 120 километр масофаға тортиладиган газ тармоқлари, 8,1 минг тонна мева ва сабзавотни қайта ишлайдиган корхоналар, 40,8 миллион шартли банка ҳажмидати хар хил шарбат ва консерва ишлаб чиқарадиган цехлар, кунига 4 минг тонна гўштини қайта ишлайдиган цех, 632 километр масофадаги йўл ва бошқа бир қатор санаот, қурилиш материаллари корхоналари қурилди, дегандири. Ана шу ишлар режалари тўла бажарилди. Ичимлик сув тармоқлари ва қишлоқларни газлаштириш бўйича қурилиш кўлами, шунингдек, мевани ва сабзавотни қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш юзасидан белгиланган режалар бурноғи йилдаги қараганда анча ошириб урдаланди.

Бу қурилиш ишларининг асосий қисми жамоа ва давлат ҳужаликлари маблағи ҳисобидан, 12 фоиз қисми эса давлат бюджети ҳисобидан амалға оширилди. 1992 йилға эса аҳоли ақсинча эди, Қишлоқ қурилишларининг ақсарият қисми марказлаштирилган капитал-мблағлар ҳисобига амалға оширилди. Қўпгина жамоа ва давлат ҳужаликларининг кейинги йилларда иқтисодий жиҳатдан мустақиллашиб бораётгани республика Президентини кўрсатмаси билан қишлоқ ҳужалик маҳсулотлари, айниқса пахтанинг харид нархи анча оширилганлиги натижасидир.

Булардан ташқари давлат ва жамоа ҳужаликлари орасида банк кредити ва чет эл инвестицияларидан фойдаланиб қурилиш ишларини олиб бориш соҳасида ҳам бир қанча ишлар амалға оширилди, уларнинг амалий натижалари қийин йилларда ўз самарасини кўрсатади, албатта.

Нарх-навоининг эркин қўйиб юборилгани сабабли қурилиш материаллари, ёғоч, металл прокати, қувур, кабелъ, технология асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва бошқа материаллар 30—40 баробар, баъзи ҳолларда эса ундан ҳам ортиб кетди. Бу эса пудратчи ташкилотлар ва буюртмачилар ўртасида жиддий қийинчиликлар, тушунмовчиликларни келти-

топтириладиган биноларда бажариладиган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини қониқарли деб бўлмади. Чўнончи, «Ўзқолхозқурилиш»нинг Жиззах вилояти трести қураётган Дўстлик райониди 11-давлат ҳужалигиди қишлоқ шифохонаси ҳамда ҳужалик ҳисобиди қурилиш бошқармаси ва «Ўзагрострой» амалға ошираётган Писикент район «Писикент» давлат ҳужалигиди 90 ўринға мўъжалланган болалар боғчаси биноларини фикримиз дадилли сифатида айтиш мумкин.

Вазирлик мутахассислари пудрат ташкилотлари билан бирга ишда рўй бераётган камчиликларни ўрганиб чиқиб, ўз вақтида чора кўрмоқдалар. Жўмладан, бозор иқтисодиёти шароитида вужудға келган камчиликларни тузатиш ва қийинчиликларни бартараф этиш буюртмачилик масъулятини ошириш, иш усули ва услубларни тақомиллаштириш, пудрат ва ҳужалик усулида қуриладиган биноларининг қурилиш-монтаж ишлари сифатини яхшилаш, назорати қўйатириш, қурилиш ишларининг таннаҳини камайтириш, технология асбоб-ускуналари, жиҳозлар ва қурилиш материаллари билан таъминлаш яхшилаш мақсадида вилоят агрономат уюшмалари қўшида ҳужалик ҳисобиди ишлайдиган биришмалар ташкил этилди. Ҳозир бундай биришмалар Сурхондарь, Қашқадарь, Андижон, Наманган ва Самарқанд вилоятларида иш олиб борапти.

Бизнинг асосий вазифамиз бундан кейин ҳам қурилиш кўламининг ортира ҳам камайишиға йўл қўймасликдан иборат. Бўнинг учун барча қурилишларининг давлат ва жамоа ҳужаликлари маблағлари ҳамда давлат кредитлари ҳисобига бажарилишиға эришмоғимиз лозим. Ажратиладиган давлат маблағлари эса қишлоқларни ичимлик сув билан таъминлаш, газлаштириш ва вазирликка қарашли ҳужаликларининг сугориладиган ер майдонларини қайта тиклаш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сугориш ишнотлари, ариқ ва зовурларни таъмирлаш, сувни тежаш ва тупроқнинг ҳосилдорлигини ошириш ишларига сарфланади.

Бу йил вазирлик бўйича 20 миллиард сўмлик капитал маблағларни ўзлаштириш режалаштирилган. Йил охириға жойларда 115 минг квадрат метр уй-жой бинолари, 50 минг ўқувчиға мўъжалланган мактаблар, салкам 11 минг ўринли болалар боғчалари, қишлоқ касалхоналари, 1046 километр узунликдаги ичимлик сув ҳамда 60 километр масофада газлаштириш тармоқлари, 2170 ўринли қишлоқ даволаш шохобчалари, 1501 километрик йўл, бир вақтда 4500 тонна мева ва сабзавот қабул қиладиган омборхоналар, кунига 10 тонна гўштини қайта ишлайдиган цех, 24 миллион ишша банка мева ва сабзавот консерваси тайёрланадиган цехлар, кунига 30 тонна сутни қайта ишлайдиган корхоналар, йилға жами 19 миллион дона гишт ишлаб чиқариш қувватиға эга бўлган заводлар, йилға 250 миллион дона пардозланган плита чиқарадиган корхона, бошқа қўпгина санаот корхоналари қурилиб, ишга туширилди.

Булардан ташқари Вазирлар маҳкамасининг 1993 йил 12 февралдаги қарорига биноан давлат ва жамоа ҳужаликлариди камкида 37 минг гектар ерни қайта тиклаш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сугориш ишнотлари, ариқ ва зовурларни таъмирлаш, сувни тежаш ва тупроқнинг ҳосилдорлигини ошириш билан боғлиқ ишлар амалға оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг И. А. Каримов халқ истемоли моллари ишлаб чиқариш ҳажмини қўпайтириш ва янги-янги санаот корхоналари барпо этиш вазифасини қўймоқда. Бу вазифаларни бажариш — асосий мақсадир. Бозор иқтисодиёти шароитида қурилиш-монтаж ишлари таннаҳини камайтириш ва қурилиш ҳажмини маъмултирмаган ҳолда ҳужаликларда маҳаллий хомашўда ишлайдиган кичик гишт заводлари, оҳақ цехлари ва бошқа кичик корхоналарни ишга тушириш учун ажратилган маблағларни иш охириға етай деб қолган жойларға йўллаш таъминлашмиз лозим. Давлат, фермер ҳужаликлари учун кичик корхоналар, молхона, товуқхона ва бошқа ишлаб чиқариш биноларини, уй-жойларни маҳаллий материаллардан қуриладиган қишлоқ лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, капитал қурилишча чет эл инвестицияларидан ва давлат кредитларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш зарур.

Ҳар қандай шароитда ҳам қишлоқ қурилиш ишлари ҳажмини камайтириш янги қувватларни ишга тушириш, арзон ва сифатли бинолар қуриб, ўз вақтида фойдаланишға топшириш қишлоқ қурувчилари олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Шўбҳа йўқки, буюртмачи ва пудратчи ташкилотлар бу ишларининг тўла бажарилишиға эришадилар.

Т. НАБИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳужалиги вазирининг ўринбосари.

БЎЛИНИШ—ОРТГА ҚАЙТИШ

Сўнгги пайтда республикада мулкчиликнинг турли формалари, иш юритишнинг янги усуллари қайта кенг йўл очилмоқда. Бироқ айрим жойларда бу янгилик, имтиёзлардан ўз ўрнида фойдаланилмаптир. Жўмладан, узоқ йиллар бинойидек ишлаб келган, иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам, қишлоқ ҳужалигиди бой тажриба тўплаб, давлат ҳисобиди асосида равишда майдалаб, бўлиб ташлашмоқда. Нечун бундай ҳол содир бўлаётганини таҳлил қилиб ўтирмайлик. Фақат айрим фактлар мисолида бундай бўлишни, лозим «мустақилликка» қандай оқибатларга олиб келадигани ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Ўтган йилнинг бошларида Каттақўрғон райониди Алишер Навоий номи жамоа ҳужалиги учун кичик ҳужалик бўлиниб кетди. Олдинлари бу ҳужалик районда ўзига тўқ, иқтисодий жиҳатдан бақувват, ишлаб чиқаришда қўпгина янгиликларни жорий этган аҳил жамоалардан бири саналарди. У районда бириччи бўлиб пахта қабул қилиш пунктини ўз ихтиёриға олган ва бундан яхшигина иқтисодий самара кўрган эди.

— Олти—етти йилдан бери пахта тайёрлаш ва бошқа қишлоқ ҳужалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш режаларини ошириб бажариб, келарди, — дейди ўша пайтларда жамоа ҳужалигини бошқарган Ҳамидулло Тўраев, (ҳозир у қишлоқ қишлоқ ҳужаликдан бириға раҳбарлик қилапти). — Бўлиниш ҳў баракча учди. Учала кичик ҳужалик ҳам пахта тайёрлаш режасини бажармади. Чўраччиликда ҳам орқаб қолди. Пахта қабул қилиш пунктини ҳам қайта-қайта бердик. Чўнки уни сақлаш учун маблағ топа олмадик. Техникамиз, бошқа ерданчи материалларимиз бўлиниб кетгандири. Ишнот вақтида бажариш қийинлашди. Бўнинг устиға учала ҳужалик бир аридан сув қилди. Сугориш пайтида қўнғил, сувни ҳўдасалар кў берди. Унинг фикрини район агрономат уюшмаси равиш, иқтисодий ишлар бўйи-

ча ўринбосари Маҳмуд Бозоров ҳам қайта-қайта таъкидлади: «Сўнгги икки йил ичида райондаги тўртта йиллик ҳужалик бўлиниб кетди. Балки жойларда шўнга зарурат туғилмаптир. Лекин бу «қулайлик» қандай натижалар берганини ҳам ҳўм-чўт қилиш керак-да. Олдин бир мисол. Бўлиниш натижасида районда еттиға янги жиҳатларини олиб ўтирмасдан ана шу ҳужаликларни бошқаришининг ўзи қандай «самара» беришини ҳисоблаб қўрайлик. Шў янги ҳужаликларнинг ҳар бирида ўртача 40—45 киши бошқарув аппаратида (жўмладан етакчи мутахассис сифатида) ишлаганди ҳам районда уч ўқ «раҳбар» ўрни пайдо бўлди. Уларнинг ҳар бири, ҳў оғига беш минг сўмдан маош тўлағанда ҳам бир йилда 18—20 миллион сўм маблағ сарфланди. Пахтакор, чўрадор, пилчилик соҳибдор ризқидан шўнча бойликни ўмариб қолдиш исофданими?

Яна фактларға мурожаат қилайлик. Бўлинишдан олдин Алишер Навоий номи жамоа ҳужалиги (1991 йилда) 4139 тонна пахта етиштириб, шўндан 25 миллион сўм фойда олган эди. Ҳўсидорлик 31 центнери, рентабеллик даражаси 16 фоизини ташкил этиди. Учға бўлинича, яъни А. Навоий номи, М. Улўғбек номи да А. Темир номи жамоаларға акралаҳ, учала ҳужалик 1992 йилда жами 2752 тонна пахта тайёрлади. Ёни ялли ҳўсил ҳажми олдинги йилдагиға нисбатан 1384 тоннаға камайдди. Рентабеллик даражаси 6 фоизда қолди. Ҳўсидорлик 21 центнерға тушди. Бўнинг устиға янги ҳужаликларнинг идораси бригада дала шийлонда қўйишлаган. Натижада шийлонсиз қолган деҳқонлар техникани очик ҳўлда сарфлаш мажбур бўлишлаган. Янги вақтида бўлган бошқа ҳужаликлар ҳақида ҳам шўндай фикрларни айтиш мумкин.

1992 йилда район ҳужаликлари табий офатдан қатъи зарар қўришди. Айниқса, чўпгани икки-уч марта бўлиниб экиш қимматға тушди. Мутахассисларнинг фикрича, тез-тез бўлиб турадиган бундай табий хўружларини бартараф этиш ҳам камқувват ҳужаликлар учун ниҳоятда мушкул. Янги техника, минерал ўғит, қурилиш материаллари ва ҳужалик юритиш учун зарур бошқа жиҳозлар, ускуналар, материалларни сотиб олиш ҳам ўз-ўзидан бўлмади. Балки бундан ўн-ўн икки йил олдин, жўда қўп товарлар сув текин баҳоланган пайтда кичик-кичик ҳужаликларнинг тез оёққа туриб кетиш учун имконият бўлгандири. Лекин ҳўзирги тақчил шароитда, ҳар бир қадамин ўйлаб босадиган, тийинини ўз жойига сарфлаш зарур бўлган бир пайтда, на давлатнинг, на жамоат ташкилотлари, на оддий фўқароларнинг ёрдамига ишоний қийин бўлиб қолган бир пайтда асосий равишда бўлиниш, майдалаб, бўлиб ташлашларға акралаҳ кетиш ўзини оқламади. Бўни иқтисодчилар ҳам, акралаҳ тарафдорлари ҳам яхшилаб ўйлаб кўрганлари маъқул. Ёнг муҳими, ана шу бўлиниш қандай оқибатға олиб келади, юзлаб, минглаб қишлоқ оилалари учун нима бериб, келгуси ҳаётни тўқин-сочини қилишға замин яратадими ёки ақсинча натижа берадими? Шў саволларға ишнотли жавоб тоғланди кеингига бундай ишға қўл уриш керак.

Менимча, ҳеч бир оддий колхозчи ёки мутахассис бундай бўлиниш тарафдорини эмас. Чўнки улар ҳал мустақил равишда ишлаш, айниқса ҳужаликни юритишға тайёр эмаслар. Иқтисодий жиҳатдан ҳам қўллари қалди. Янги ҳужаликлар ташкил қилиш асосан мансабга қизқичқан, ўзини раҳбарлик ўрнида қўришға ишқибоз, ёки «ёғлик» ўринни қўсмаган айрим раҳбарларни қизқичқили ташкилотчи, ишбилармон кишилар ҳам қўл уриши мумкин. Лекин улар ҳам ишнот сал пастдан, дейлик, зено, бригада, участкани ҳар томонлама оёққа турғани, иқтисодий жиҳатдан намунали даражаға келтиришдан, кишиларни ўзла-

риға эргаштира билишдан бошлаганлари маъқул деб ўйлаймиз.

Бизнингча, ҳар бир жамоа ҳужалиги бошқаруви синодан ўтган усулга, яъни зено, бригада ёки алоҳида деҳқон ҳужалигига тўла иқтисодий мустақиллиги бериш йўлиға ўтгани ўринлидир. Афсўсики, баъзи раҳбарлар бундай «эриклик» чўчиб, бошқаруви бундай руқбозли асосида, эскивасиға олиб боришяпти. Ҳўзир жўда қўпгина ижарачи пахтакорлар, сабзавоткорлар, пилчиликлар, чўрадорлар қайта ишловчилар жамоа ҳужалиги бошқаруви фирморлик қилаётгани, ишлаб тоғилган фойдаланиш, еттишли қисминини тўла бераётганидан ишонмоқда. Бу келишмовчиликларни ҳал қиладиган, адолатли акрим чиқарадиган жўнакур идора ҳўзирча йўқ. Деҳқонлар сўлашшиға, юқори даражада бахслашшиға одатланган эмаслар. Раҳбарларнинг ақсарияти эса ҳўкумий маромларни яхши билишмайди ёки билишса, ҳам назар писанға қилишмайди. Шўнинг учун ҳам қўпгина фойдали янги иш юритиш усуллари ҳаётда кенг қўлланилмапти.

Ҳўкуматимиз иқтисодий жиҳатдан ўтириб қолган давлат ҳужаликларини тарқатиб юбориш, уларнинг ўрнида ўзини оқлайдиган бошқарув ва иш юритиш усулларини қўллашға даъват этаётди. Ёники бу ҳақда ҳам аниқ кўрсатма, тавсия берилмапти. Бизнингча, Ўзбекистон қишлоқ ҳужалигиди кейинги икки-уч йил ичида тўпланган бой тажриба, илгор иш усуллари, янгиликларни таҳлил қилиб, оммабоп ҳўлда чўт эмюк, жойларда уларни кенг тарғиб этмоқ керак. Шў соҳаға ихтисослашган илмий текшириш илмоғҳлари аудлик билан амалий ёрдам кўрсатишлари зарур. Бизнингча, мустақил Республикаимизда аграр сёбатини илмий асосда кенг ташкил этиш пайти келди.

М. ЭРГАШЕВ.

Санаот корхоналарида ИШ БИЛАНГА МИНГ ТАНГА

Жиззах вилоятидаги соҳиб «Октябрь 50 йиллиги» ҳўзирги «Дўстлик» давлат ҳужалигининг директори Норбек Қаймов бундан олти йил аввал Дўстлик районига раҳбар этиб тайинланганда давлат ҳужалиги меҳнат ақлининг хоҳишини бартараф олиниб бош ҳисобчи Сўнат Эргашев директорликка тавсия этилди. Чўнки, у бундан олдин вилоят деҳқончилик-санаот уюшмаси етакчи мутахассиси сифатида ҳужаликда ижара пудратининг қўлла-нилишида директорға яқиндан ёрдам берганди. Қисқаса ҳали ёш бўлишға қарамай тажриба тўлаб, одамлар этибборини қозонишға улгурганди. У устоз Норбек Қаймовнинг яхши ишларини давом эттирди. Қийналиб қолганда маслаҳатларига амал қилди. Ёниға ўзи каби ишбилармонларни тўплади. Улар билан ҳам жиҳатлида ҳужалик иқтисодиётининг ривожланишиға этиббор берди.

Натижада «Дўстлик» давлат ҳужалигиди қўп янгиликлар рўёбға келди. Марказий қўрғондаги цехда 50 нафар хотин-қиз ёш болаларини қийим-кечакларни тикиш билан машғул. Уй-рўзгор буюмлари таъкид бўлиб турган бир пайтда халқимиз учун зарур бўлган гилам ишлаб чиқариш йўли қўйилди. Бу кичик корхонада меҳнат қилаётган 6 киши бир ойда 3—4 та катта патли гилам тўқиб чиқарапти. Қийим тикиш, тўқиб, бўёқ ишлаб чиқа-

риш, қандолат, оҳақ, иссиқхона бор. Плёнка цехлари, тегирмон, мойкувоз, таъмирлаш ишлари бажариладиган махсус устахона, дураторлик цехи ва бошқалар мунтазам ишлаб турибди.

Бўгунги кўнда бўёқлар камёб бўлиб қолди. Бу ерда эса тўрт хил турлаган бўёқ ишлаб чиқарадиган цех ишга туширилди. Шў цехда 1992 йили 30 тонна бўёқ тайёрланди. Маҳсулотлар нисбатан арзон баҳода сотилипти. Ҳўжалик аҳолиси еттиёккидан ортиган бошқа маҳсулотларға айирбошланяпти.

Оҳақ цехига учта печка ўрнатилди. Цех қуввати кунига 3 тоннадан ортиқ оҳақ ишлаб чиқаришға етди. Бир тонна оҳақ 2600 сўмға тушяпти. Давлатдан сотиб олинганда эса 5000 сўм сарфланарди. Иссиқхоналарға шўлагиладиган плёнкаларға еттиёк катта. Ҳўжаликда бир кўнда 1800 килограмм плёнка ишлаб чиқарадиган цех қурилди.

Қандолат цехида новот, парварда, ишпода сингари миллий ширинликлар тайёрланапти. Яқинда йилға 15 миллион шартли банка маҳсулот ишлаб чиқарадиган консерва заводи барпо этилди. Бу ерда томат, турли шартлар, зирвар қўшиб тайёрланган мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқаришмоқда. Икки гектар ерда иссиқхона ҳужалиги бунёдға келмоқда.

Ҳўлас 11 та кичик корхона маҳсулот беришти. Ёнг

иккинчисида эса ишша ва чинни буюмлар, ўн хилдан ортиқ гўлдон, қандил, қўлдон, ёдгорлик буюмлари ишлаб чиқаришмоқда. Цехда олти киши ишлади. 1992 йили бу цех бир миллион сўмлик даромад келтирди. Умуман кичик корхоналардан 6—7 миллион сўмдан зиёд фойда олинапти.

Синган ишша чикиндиларидан хом ашё эритиш печида уста Садвалли Нурматов меҳнат қилапти. Цех бошлиғи Солижон Абдиев таъшабуус кўрсатиб ишляпти. Бир сўз билан айтганда давлат ҳужалигиди қайта ишлаш цехлари катта наф бермоқда.

Т. СОЯНАЗАРОВ.



Шў ишчилар цехи бошлиғи Солижон Абдиев ва ҳўжалик раҳбари Сўнатулло Эргашев тайёр маҳсулотларини кўздан кечиримоча. К. ЖўРАҚУЛОВ олган суратлар.



Ўз касбининг устаси Садвалли Нурматов.



Пахтакорлик бизға ота-боболаримиздан қолган шарафли қасб. Доимо ардоқлаб келганлиғимиз сабабли у рўғоримизни юртишға мадад бўлмоқда. Маълумки, мўл ҳўсил об-ҳавоға

ЮРТИМИЗ ОБОД, ЭЛИМИЗ ТИНЧ БЎЛСИН

ҳам боғлиқ. Биз бутун тажриба ва маҳоратимизни ишға солиб, фан ютуқларидан оқилона фойдаланиб сифатли хом ашё етиштириб келмоқдамиз.

Ўтган йили деҳқончилик учун ниҳоятда нуқулай келди. Лекин шўндай бўлса-да, белгиланган режани урдаладик. 940 гектар майдоннинг ҳар гектаридан мўлжалдаги 23,4 центнер ўринға 26 центнердан зиёд ҳўсил кўтарилди. Жами йиғиштириб олинган оқ олтинки 2200 тоннадан ошди. Ёнг қўнвоқчи, шароит қийин келганлиғига қарамастан, миришкорларимиз ўз сўзининг устидан чиқинди. Бу бизға катта кўч бағишлади.

Биз Тўйчи Авазов, Норқўчоқ Самиев, Норкул Саторов, Умарзоқ Орипов бошлиқ илгор бригадирлар номи-ни доимо фахр билан тилға оламиз. Улар бошлиқ жамоалар ҳар гектар ердан 30 центнердан ошириб хом ашё етиштириб, ўзларининг уста деҳқон ақалликларини яна бир бор кўрсатишди. Деҳқончиликда, айниқса, пахта-чиликда техникасиз бирор иш қилиш

қийин. Маэкур бригадаларда ҳам агрегатларнинг шарофати билан экин ривожидиға кечиккиш қисқа фўрсатда бартараф этилди. Айрим жамоалар вақтдан, агрегатлардан оқилона фойдаланганлиғи тўғайли йиллик режани бир ҳафтаға қолмасдан бажаришди. Бунда механизаторлардан Шодмон Йўлдошев, Боймир Мавлонов, Урол Пириязаров, Жаббор Қоракўлов, Ёлимура Абдулхамидовлар ўзларининг фидокорона меҳнати билан ҳўжалигимизнинг ютуғига катта ҳисса қўшдилар.

Тўғрисиға айтганда йлғари пахта-мизға кам ҳақ тўланарди. Президенти-мизнинг тармоқни ривожлантиришға раҳмўрлиғи тўғайли тўланаётган ҳақ олиб бормоқда. Масалан, 1991 йили олиб кўрайлик. Режа бўйича 1 миллион сўмдан кўпроқ фойда олтишимиз керак эди. Лекин ишнот тўғри ташкил қилганлиғимиз ва ҳўсидорликни оширганлиғимиз сабабли 4 миллион сўмдан зиёд даромад олдик. Унинг қарийб 1,5 милли-

ондан зиёди одамларға иш ҳақи сифатида берилди. Ўтган йили ишларимизнинг сарфҳўси ҳам баракали. Даромад олдинги йилларға қараганда бир неча баравар ошди.

Масалан, режалдан ташқари 300 тонна тола тайёр

фикр-мулоҳазалар ҳаелим-дан кечди. Хўжаликда Мангуберди ҳаёти ва фаолиятига бағишланган музей ташкил этилади. Унинг хотира-сига бағишланган халқаро кураш мусобақасига эса собиқ Иттифоннинг турли жойларидан 300 дан кўпроқ полвонлар ташриф буюради.

Р. ШЕРЖОНОВ.

ОНАЛИК БАХТИ, БЕКАЛИК ТАХТИ

Оила — муқаддас гўша. Унинг саранжом-саринишати, бахту қувончи, келажиги ва завоқсизлиги аёлларнинг қўлида. Аёллар тадбиркор, ақлли, қаттиққўл ва узоққўл кўра оладиган оилалардан ҳеч қачон нобакор, қўрқоқ, ўғиллар етишиб чиқмайди. Шунинг учун ҳам донишманд бобоқалонларимиз аёлларнинг энг буюк вазифаси — бола тарбияламоқ, улуғ унвонлари — оналик, сингиллик қатъият билан ўз оиласи деб билганлар. Оқила, доно она қўлида тарбияланган ўғиллар ҳалқпарвар, олижаноб, алоқадор бўлиб етишган. Онасига қараб ўсган қизалоқлар эса саранжом-саринишати, чевару пазанди, бир-сўз билан айтганда, ақлу фаросатда беназир бўлиб ўсганлар.

Батизи еш оилаларнинг бузилиб, беғуноқ бўлаётганининг етим қилиниши аввало аёлларнинг беҳад бандлиги, қизларимизнинг эса рўзгор тутанишга ўқув йўлини сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам ҳар бир йигит-қизни ёшлиқдан оила қуришга тайёрлаб бориш керак. Бунда

энг улуғ мураббий онадир. Эри эр қиладиган ҳам хотин, қора ер қиладиган ҳам хотин. Дарҳақиқат, аёл оиланинг мустаҳкам устуни, унинг меҳр-муҳаббат ва ақл-заковати билан фарзандлар бекамли-қўст қамолга етадилар. Оила қуришдан кўра уни асраш қийинроқдир. У — гард-ғуборсиз яшашига лойиқ қўрғон. Бундан мен ўз ҳаётим мисолида кўриб турибман.

Худода шукр — 6 ўғил, 5 қизнинг онасиман. Бир-биридан суякли, ақлли, оқила, олти келиним, андишали, фикр-мулоҳазали, меҳрибон турт кўчим бор. Болаларимнинг бари — элнинг олди, ўқимлиши, ишда илгор, яна «уйим-жойим» дейдиганлардан. Уларнинг бахту нўболи, аҳилликлари, фаровон турмушлари кўриб юрак-юракдан қувонаман. Бундай толега эришимизда онажонимнинг хизмати беқиёс. У киши қўлимни илуғ илғага ўргатдилар, саранжом-саринишати пазандалиқдан сабоқ бердилар. Доно ўғиллари ҳамма нур бўлиб, дуо бўлиб йў-

лимни ёритиб турди. Турмуш ўртоғим билан 11 фарзандни тарбиялаб, воёга етказдик. Биз фарзанд тарбиясида ота-боболари миз эъёзлаган муқаддас удулларга амал қилдик. Хонадонимизда эркакнинг, аёлнинг ўз ўрни, оёру-этибори, эъёзи ва яна ўз юмуши бор эди.

Ҳар бир оиланинг ўз сирасори бўлади. Мана шу сир кўчага чиқдим, тамом, бу хонадондан файзу пўтур кетади. Рўзгор-ғор, деганлар. Уни ҳисоб-китоб билан юришти беканинг эпчилигига боғлиқ. Агар тежамкор бўлмасанг, биринг иккинга етмайди. Ҳеч қайси оилада ҳам кун-тун асал ялаб, палов ейилмайди. Шунинг учун аёл қавоатли, сабрбардош ва доно бўлиши ларкор.

Рўзгорни ҳароб қиладиган нарсаси ғайбат. Қайнона келинига ўз қизидек меҳр қўймас, келин қайнонасига она дея қўнғил бермас, икки ўртада ғор пайдо бўлади. У шунчалки ҳафизлиқ, гўлдек оилалар, беғуноқ гўдакларнинг бахтига зомин бўлади.

Мен эса олти келинимни ҳам қизларим сафига қўшаман, онадек меҳр кўрсатаман, пайти келганда суйиб, ардоқлайман. Аммо камчиликларини ҳеч қачон юзларига солмайман. Йўлини топиб, ўзим намуна бўлиб тузаттирмаман. Уларни шахсий ишларига аралашмайман. Бирор юмуш бошлашдан олдин уларга маслаҳат соламан, фикрларини қўлаб-қувватлайман. Невараларимни жон-дилидан суюб ардоқлайман. Уларга ўзим қарайман. Ширин болажонларимга овқат пишириб берман, ўйнаган, эртан айтман. Қўллас, улар билан ўтган куним қувончли бўлади. Келинларим эса ҳурматимни жойига қўйишади.

Болаларим, невараче-вараларим йигилишса, уйимиз тўйхонага айланади, юрагим қувонча тўлади, онажонимни эслайман, ҳақларига дуо қиламан. У кишининг панду насиҳатлари билан мен бахтга — толега эришдим.

Қўш уясида кўрганини қилади. Қизларни ёшлиқдан оила қуришга тайёрлаш керак. Болалардан гўзал хулқли, одобли, ақлли ва андишали бўлиб, воёга етган қизларга албатта толе ёр бўлади. Бундай қизлар қийинчилик олдида ҳеч қачон саросимага тушмайдилар, оғир кунларни кучли ирода, ақлу идрок билан енгадилар.



Санама ХОТАМОВА,
Қаҳрамон ома,
Навбахор райони.

— Қадамнинг гуллар очилсин, қизим...

Раҳмонли АҚБАРАЛИЕВ олган сурат.

Муштарий илҳоми

Ушбу сатрлар муаллифи Ботир ота Абдуллаев 75 баҳорни қаршилади. У Улуг Ватан урушининг иккинчи гуруҳи ноғирони. Узоқ йиллар давомида ўн тугилиб ўсган Қамаш районидаги «Оқработ» қишлоқ мактабда ўқи-тувчиллик қилиб, ҳозир нафақага чиққан. Баъзан «Оқработ» тахаллуси билан шеърлар машқ қилиб туради. Қўйида отахоннинг машқларидан эътиборингизга ҳавола этдик.

Тўлиб оқ, қашқадарё

Балад-баланд тоғинг бор,
Хосият мўл боғинг бор.
Бағринг доимо баҳор,
Тўлиб оқ, қашқадарё!
Қирғоқнинг яшил шаҳар,
Сувиңг хўп ширин-шакар.
Дўстлар завоқлаб қарар,
Тўлиб оқ, қашқадарё!

ТУТНИНГ ХОСИЯТИ

Баҳор гулини сочди,
Тутлар кучоқ очди.
Қиш уйқуси қочди,
Будлар ил хосияти.
Никола бўйин чўлади,
Навда япроқ эзди,
Қуртларни тўйгазди,
Бу ҳам бир хосияти.
Қизиб кетганда ҳаво,
Майназ бўлар ҳалво.
Шинини дарғада даво,
Бу ҳам бир хосияти.
Тутдан олинар шарбат,
Волдан кам эмас албат,
Тағинг билар фақат,
Бу ҳам бир хосияти.

ОҚРАБОТИ.

Диққат, ангиллик!

КАНАДАН ЮЗ ЭАЛИК БАРОБАР ШИРИН

Наботот олами гаройиботларга бой. Нон дархати, шоколад, каучук, темир, шикса, сут дархатлари ва бошқа ажойиботлар мавжуд.

Республика ўсимликшунослик илмҳои олимлари ўлка-мизда ўстиришга мослаштирган стевия ўсимлиги бўлган республикада моддани қандайдан 150 баравар ширинлиги амалда исботланди. Яна бир яхши хусусияти шуки, қанчалек ширинлигига қарамай, ҳазм бўлганда кўп қувват ва қон таркибидagi қанд (глюкоза)ни ажратмайди. Демак, қандли диабет билан оғирган беморлар учун бебаҳо неъмат ҳисобланади.

Бу ўсимликнинг ҳозирги кундаги аҳамияти гўят беки-вадир. Биринчидан, қанд тақчиллигини ҳал этишда ундан самарали фойдаланиш мумкин. Иккинчидан, қандли диа-

бет билан оғирган беморларга суний йўл билан яратилган қанд ўрнига бериладиган моддаларни ҳам олиш имкони бор.

Бундан ташқари стевиянинг гектарига 500 килограмм қуруқ бағр бўлиши мумкин. Яна шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, агарда ўсимликни ўстириш тадбирлари маромига етказилса, ҳосилдорликни кескин ошириш мумкин. Қисқаси, бу ўсимликни экиш мустақил мамлакатимиз иқтисодига катта фойда келтириши шубҳасиз. Республика қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, дори-дармон ишлаб чиқариш ва соғлиқни сақлаш ҳақсининг мутасаддилари стевиянинг ажойиб хосиятларига эътибор берсалар яхши бўларди.

Шотурсун УСМОНОВ,
доришунос.



БИР ПИЁЛА ЧОЙ БАҲОРА

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ПОК НИЯТ

шим керак. Акс ҳолда қиёмат кун мен гуноҳкор бўламан, — деди.

Шунда чол узоқ ҳаёлга чўлиб, сўнгра:

— Олман сотмайман ҳам, кечирмайман ҳам, — деди.

Ният яна хижолат бўлиб чолдан илтижо қила бошди. Шунда чол:

— Агар менинг битта шартимни бажарсанг, сени авф этишим мумкин, — деди. Хожа Собит:

— Отаҳон, мен сизнинг ҳар қандай шартингизни бажаришга ошқораман, — деб ваъда берди. Чол:

— Менинг бир қизим бор. Унинг икки қўлига қар, икки кўзи кўр, ҳар иккала қўл — оғир шол, шу билан бирга гапир олмас ҳам. Агар шу қизимни никоҳингизга олсанг, еган олмангиз

ризо бўламан, — дея шарт қўйди.

Хожа Собит ўйга ботди. Ният бечора ошқораниб сабабни ва биронинг ҳақидан қутулиш ниятида чолнинг шартига қўнди ва қиз унга никоҳланди.

Никоҳ ўқилиб гўшангага кирганда Хожа Собит ёшгина, жуда нафис ҳамда дўндоққина қизни кўрди. Уни кўриши билан Хожа Собитнинг эс-хуши оғиб қолди. Бир неча дақиқадан сўнг ўзини келиб, таъассуф ила қараб турган қиздан сўради:

— Эй гўзал фаришта, сиз кимсиз?

— Мен сизнинг жуфти ҳалолнингизман.

— Падари бузрукворингиз сизни менга бошқача сифатлаган эдилар. Буниёнг босни нима?

— Падари бузрукворининг гапларини тўғри, аммо бу сўзларнинг ўз маъноси бор. Мен отамнинг ақлоқча фарзандиман. Падари бузрукворим: қизимни бирор ҳақидан ҳазар қиладиган пок бир кимсага насиб эт, деб Оллодан илтижо қилар эдилар. Сиз олма ҳақини тўлагани келганингизда уларга ёқиб қолдингиз. Икки қўлингизнинг қарингиз — туғилганидан ҳанузгача ноқўй гап эшитган эмасман. Икки кўзим кўр: чунки номаҳрам кишини кўрган эмасман. Икки қўлим шол, чунки олишнинг мумкин бўлмаган нарсани олмангизман. Икки оғзим пол, чунки отамнинг уларидан остона ҳатлаб чиқмаганман. Тилимнинг тўғилтиги — бирорта ҳам қабих сўз сўзлаган эмасман.

Хожа Собит бундай сўзлардан беҳабар эди. Кутилмаган бахтдан жуда хурсанд бўлиб, Олло таолохонини шукрини бажо келтирд...

Тайёрловчи:
Шоҳаб ШОҲАНДАР
ўғли.

ДАРМОНДОР

Мева-чева тақчил бўлиб қолган ҳозирги паллада сабз-дармондорлар манбаидир. У қарорлиқ моддасини етказиб берувчи асосий неъматлардан бўлиб, бу модда таъназда А витаминга айланади. Шу витамин терини юмшоқ ва силлиқ қилади, кўз нурига оширади, сочини мустаҳкамлайди. Сабоқ бўй-рак, жигар хасталиқларида,

қон босимида, туз йиғилиб қолгани ва қабзида жуда фойдалидир. Унинг таркибидида темир, мис, марганец мавжудлиги камқонликка даво.

Агар сабоқ тўғралаб қаймоқ ёки ўсимлик ёғ билан аралаштирилса, А витамини тангага яхши сингиди. Умуман олганда 100 грамм сабоқ бир кеча-кундуз мобай-

нида сизни зарур бўлган миқдордаги қарорлиқ билан таъминлайди. Натикада тер акратиб чиқарувчи беморларни яхшиланади, қўннинг кўриш қуввати ортади. Сабоқ айланиса болалар учун фойдали бўлиб, уларнинг бўй-баста ўсишини таъминлайди. Шунини ҳам бори, қаттиқ сабзавот сифатида

сабоқ милқларни машқ қилдириб, уларда қон айланишини тартибга солади. Тиб-биётда сабоқ турунган да-ворини маҳкам олинганда, у юрак қисми билан кечадиган хасталикка қар қилади. Сабзотнинг саринка мо-йил навларида юрак муш-лаги мустаҳкамлайдиган анигининг моддаси топи-лан.

Хулоса шуки, сабоқни им-кони борича кўпроқ истеъмол қилган киши асло за-рар кўрмайди.

Л. ИВЛЕВА.

Спорт • Спорт • Спорт

ОМАД КУЧЛИЛАР ТОМОНИДА

этибордан четда қолган қир-рларнинг кашф этсангиз ажасман.

Гал шундаки, яқинда Ўзе-кстон Республикаси Базирлар Маҳкамаси республикада футболни ривожлантириш юзасидан қабул қилган қарор бажарилиши кўп жихатдан футболчилар, уларнинг му-раббийлари хатти-ҳаракатлари, ўз вазифасига қандай андо-шишларига ҳам боғлиқ. Ма-зкур қарор ҳозирги осон бўл-маган шартда футболчилар, уларнинг устозлари меҳнати-га билидирлиги қисқак ишон-дир, бу меҳнатнинг даявлет миқдоси қадрланишидир.

Зеро, шу паллада ҳукума-тимизнинг футболдан бошқа ташвишлари бошдан ошиб ётибди. Шундай шартда

республика раҳбарияти ўлка-мизда футболни янада ри-вожлантириш юзасидан кенг миқдосли қарор қабул қилиб, тегишли тадбирлар белгилан-ган экан, футболчилар ва уларнинг мураббийлари зим-маларидаги масъулиятини бу-тун вужудлари билан ҳис этишлари жоиз.

Бу ҳис уларнинг ўз маҳор-ратларини тўғривис ошира боришларда, ўрнатиш пайти рақибга ва ишқибозларга ҳур-матда, майдада астойдил тўп суришлари, қиройил ўйинлари билан мулкислар қалбини қувонча тўлдир-олишда намоён бўлади. 30 — 31 мартда бўлиб ўтган ик-кинчи тур ўйинлари шу жи-ҳатдан муваффақиятга эриш-ти. Янрик ҳисоб қайд этил-

ган учрашуларда ҳам ютқаз-ган томон сўт ҳаракат қил-ди деб бўлмайди. Дегда қол-ган жамоаларга баъзан омад, кўпинча маҳорат етишмади.

Шу ўринда гап яна масъу-лиятга бориб тақалади. Масъу-лиятни қўлдан бермаган жа-моалар эртани-кеч муддаого эришдилар аниқ. Зотан, спортда омад кучлилар то-монида бўлишни ёқтиради.

Энди II тур ўйинлари нати-жалари билан танишимиз «На-вахор» (Наманган) — «Сў-диёна» (Жиззах) — 0:0, «Нү-рафшон» (Бухоро) — «Неф-чи» (Фарғона) — 2:0, «Орол» (Нукус) — «Наврўз» (Анди-жон) — 3:1, «Политотдел» (Тош-кент) — «Динамо» (Самарқанд) — 3:0, «Шифокор» (Гулистон) — «Чирчик» (Чирчик) — 2:0, «Темирқўлчи» (Қўқон) — 1:0, «Трактор» (Тошкент) — 1:0, «Пахтакор» (Тошкент) — 3:0, «Ко-сончи» (Косон) — «Бино-кор» (Кибрай) — 1:0.

Шерҳуҳаммад
ЯУЛДОШ ўғли.

АСПИРАНТУРАГА МАРҲАМАТ

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари ака-демияси биология, қи-шлоқ хўжалиги, иқтисод, техника ва ветеринария фанлари ихтисосликлари бўйича кундузги ҳамда сиртқи аспирантурага қа-бул эълон қилади.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-82-32; 33-12-96.



Хурматли дўстимиз Абду-раззқ БАҲРОМОВ!
Бугун Сиз учун — ҳутлуғ айём. Инсонга бир бор бе-

Бош муҳаррир Н. ЕҚУБОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Н. ҚАЮМОВ, М. ИСЛОМОВ, М. МИРЗОЕВ, Ҳ. РАҲМАТЛЛАЕВ, М. ҚАЮМОВ (бош муҳар-рир ўринбосари), С. САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбоса-ри), О. ҒОФУРОВ (масъул котиб), Н. ОРМОНОВ, К. РИХ-СИБ, Э. БИРОХОВ, Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Респу-б-ли-каси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўз-плодоовощинпром» концерни, Ўзбеки-стон Республикаси Адлия вазирлиги, «Қишлоқ ҳақиқати» журналистлари жа-моаси.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР. Мухаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25. Дехқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51, 33-09-93. Қайта ишлаш саноати бўлими — 32-56-31. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Қорачилик бўлими — 32-56-22. Мелиорация ва қишлоқ қурилиш бўлими — 32-56-33. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-09-93. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Бездатиш бўлими — 32-58-79.